

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

208 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сон қарорини бажариш юзасидан ҳамда Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни ва аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга ва сифатини оширишга йўналтирилган лойиҳалар, тадбирлар ва дастурларни шакллантириш ва барқарор молиялаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган манзилли дастурларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширили-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

шини таъминлашга доир ишларни мувофиқлаштириш учун 2-иловага* мувофиқ таркибда Комиссия ташкил этилсин.

Комиссия (А.Ж. Рамагов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг таклифлари бўйича 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури доирасида, объектларнинг амалдаги ҳолатини ва минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг манзилли дастурларини тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг асосланган таклифлари бўйича молиявий йил учун назарда тутилган маблағлар доирасида Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг манзилли дастурлари параметрларига ўзгартиришлар киритсин;

Оролбўйи минтақасини ривожлантиришнинг ҳар йили тасдиқланадиган манзилли дастурларининг бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш юзасидан буюртмачилар этиб белгилансин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Рамагов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 27 март,
159-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 27 мартдаги 159-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси
маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини бошқариш, шу жумладан маблағларни шакллантириш тартибини, Жамғарма маблағларини молиялаштириш ва улардан фойдаланилишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ–2731-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) лойиҳалари ва тадбирларини амалга оширишни молиялаштириш учун ташкил этилган.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланмайди.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари

4. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказиладиган маблағларнинг ўн фоизи;

автомобилларга газ тўлдирадиган компрессор станциялари томонидан реализация қилинадиган табиий газга махсус инвестиция устамаларининг ўн фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағлари, шу жумладан марказлаштирилган инвестициялар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари);

жисмоний ва юридик шахсларнинг, хомийлик жамғармаларининг грантлари, ихтиёрий бадаллари, хорижий донорларнинг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан тушган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа молиялаштириш манбалари.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказиладиган ўн фоиз миқдордаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси Тик-

ланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнанинг 5-қунидан кечикмай ҳар ойда Жамғармага ўтказилади;

автомобилларга газ тўлдирадиган компрессор станциялари томонидан реализация қилинадиган табиий газга махсус инвестиция устамалари суммасининг ўн фоизи миқдоридagi маблағлар «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан «Ўзтрансгаз» АК ва унинг ташкилотларидан маблағлар тушган санадан бошлаб икки иш куни мобайнида Жамғармага ўтказилади.

6. Халқаро молия институтларининг ва бошқа хорижий донорларнинг имтиёзли кредитлари (қарзлари), жисмоний ва юридик шахсларнинг, ҳомийлик жамғармаларининг грантлари, ихтиёрий бадаллари, хорижий донорларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғарманинг фазначилик шахсий рақамларига тушади, халқаро молия институтларининг ва бошқа хорижий донорларнинг тартиботлари ёки хорижий кредитлар ва грантларни беришнинг шартларида бошқача тартиб белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот тизимида очиладиган фазначилик шахсий рақамларида жамланади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

8. Жамғарма маблағларидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қўйидагиларга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш учун фойдаланилади:

иссиқлик таъминоти тизимини, шу жумладан маҳаллий буғ қозонлари қуриш ҳамда кўп квартирали уйларга ва ижтимоий объектларга иссиқлик энергияси бериш тизимларини қуриш йўли билан яхшилаш;

дренаж тизимини, шу жумладан дренаж қудуқлари ва коллекторларни мукамал таъмирлаш ва қуриш ҳамда сўғориш тизимларини мукамаллаштириш йўли билан яхшилаш;

Нукус ва Урганч шаҳарлари уй-жой фондининг кўп квартирали уйларидаги умумий фойдаланиладиган ва уйлар ичидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, шунингдек болалар майдончалари барпо этган ҳолда уйларга ёндош ҳудудларни ободонлаштириш;

аҳоли пунктларини, Нукус ва Урганч шаҳарларини, шунингдек туманлар марказларини замонавий архитектура-ободонлаштириш стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ободонлаштириш тадбирларини амалга ошириш, шу жумладан мавзелар ичидаги кўчалар, майдонлар ва хиёбонларни, кичик боғларни таъмирлаш ҳамда ташқи ёритиш тармоқларини такомиллаштириш;

чекка ва бориш қийин бўлган қишлоқ туманларидаги аҳоли учун сувни шўрсизлантирадиган қурилмалар бериш;

сув таъминоти тизимини ривожлантириш ва аҳолининг тоза ичимлик

сувдан ва канализация хизматларидан фойдаланиш даражасини ошириш, шунингдек санитария ва маиший чиқиндиларни утилизация қилиш тизимларини яхшилаш;

маданият муассасалари, театрлар, маданият ва истироҳат боғлари, болалар майдончалари ва ахборот-ресурс марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

сув ресурсларини бошқариш тизими янада такомиллаштирилишини ҳисобга олган ҳолда чўлга айланишга қарши тадбирларни амалга ошириш;

Дастурни амалга ошириш доирасида лойиҳа-қидирув ишларини амалга ошириш;

Дастурга киритилган лойиҳаларнинг ташаббускорларига тижорат банклари томонидан кредитлар беришда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан кўпи билан 4 фоизга ошадиган фоизли харажатларни қоплашга тижорат банклари томонидан субсидиялар ажратиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатини яхшилаш бўйича бошқа тадбирлар.

4-боб. Жамғарма маблағларини бошқариш

9. Жамғарма маблағларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инвестициялар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инвестициялар бошқармаси:

зарурат бўлганда жойнинг ўзига бориб Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни шакллантиришда иштирок этади;

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни амалга ошириш доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлашнинг манзилли рўйхатлари бажарилишини таҳлил қилади ва мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига молиялаштирилган манзилли дастурларни амалга ошириш бўйича комиссияга (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тақдим этиш учун Жамғарма даромадлари ва харажатларининг прогнозини ҳамда чораклар ва ойларга тақсимлаган ҳолда прогнознинг йиллик бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлайди;

молиялаштириш манбалари билан боғлиқ ҳолда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни бажаришнинг асосий йўналишлари юзасидан Комиссияга таклифлар киритади;

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ойлар бўйича рўйхатини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги раҳбариятига киритади;

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни

молиялаштириш учун назарда тутилган Жамғарма маблағлари ҳисоби юритилишини таъминлайди.

5-боб. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш

11. Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури ва Давлат бюджети лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ҳар йили келгуси йил учун ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган манбалардан Жамғармага маблағлар тушиши прогнозларини тайёрлайди.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 майгача:

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурни шакллантириш учун ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида харажатлар прогнози билан биргаликда объектларни куриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлашнинг дастлабки манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тайёрлайдилар;

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастур лойиҳасини ҳамда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш учун кейинги йил учун зарур бўлган харажатлар прогнози лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этадилар.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ҳар йили жорий йилнинг 1 августигача:

кейинги йил учун Жамғармага тушиши прогноз қилинаётган маблағлар доирасида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурнинг якуний параметрларини келишади;

кейинги йил учун Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини тайёрлайди;

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастур лойиҳасини, шунингдек Жамғарма даромадлари ва харажатлари прогнозини кейинчалик уларни келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури ҳамда Давлат бюджети лойиҳаларига киритиш учун кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган фоизли харажатларни қоплашга ажратиладиган субсидиялар суммаси кейинги йил учун Жамғарма даромадлари прогнозининг ўн фоизи миқдорида белгиланади. Зарурат бўлганда ажратиладиган субсидиялар суммаси Комиссия қарорига мувофиқ аниқлаштирилади.

15. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг йиллик параметрлари тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 5 кун мобайнида кейинги йил учун харажатларнинг белгиланган ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлигига етказди.

Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни амалга оширишнинг ҳар йилги манзилли дастурларини шакллантириш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

6-боб. Тижорат банклари томонидан лойиҳалар ташаббускорларига кредитлар беришда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган фоизли харажатларни қоплаш учун тижорат банкларига субсидиялар ажратиш тартиби

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан кўпи билан 4 фоизга ошадиган фоизли харажатларни қоплашга субсидиялар мақсадли ҳисобланади ва тижорат банклари (кейинги ўринларда банклар деб аталади) томонидан қатъиян қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш мақсадларига миллий валютада кредитлар беришда ажратилади:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, доривор ўтлар ва ўсимликларни, маҳаллий минерал-хом ашё табиий ресурсларини қайта ишлаш асосида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, шунингдек истеъмол товарлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш;

замонавий, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш, совутиш қувватлари, замонавий чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари, гўшт, сут, тери ва мўйнани қайта ишлаш корхоналари барпо этиш асосида қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш, интенсив боғлар ва замонавий теплица хўжаликлари ташкил этишнинг янги технологияларини жорий этиш.

17. Банкларнинг жойлардаги филиаллари ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича лойиҳаларни банкларнинг кредит сиёсати доирасида белгиланган мезонлардан, шунингдек янги иш ўринлари ташкил этишни, замонавий энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этишни, шу жумладан энергиянинг тикландиган манбаларини (қуёш коллекторлари ва бошқаларни) қўлланишни, уларни миллий валютадаги кредитларни жалб этиш ҳисобига амалга оширишни мўлжаллаган лойиҳалар ташаббускорлари бўлган юридик шахслар томонидан тақдим этилган Оролбўйи минтақасидаги санитария-экология вазиятини яхшилаш чора-тадбирларини назарда тутадиган мезонлардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқадилар.

18. Амалга оширишга тавсия этилган лойиҳалар рўйхати лойиҳалар

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

ташаббускорларига кредитлар ажратиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун тегишли кредит кўмиталарига юборилади.

19. Банкларнинг жойлардаги филиаллари ҳар қайси кредит олувчи бўйича ҳужжатлар пакетини тайёрлайдилар ва уларни умумлаштириш учун бош банкларга юборадилар.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган фоизли харажатларни қоплашга субсидиялар ажратиш учун бош банклар кредитлар расмийлаштирилишига кўра ҳар ойда, ҳар қайси ойнинг 25-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кўриб чиқиш учун мурожаатни қўйидагиларни илова қилган ҳолда тақдим этадилар:

лойиҳанинг ушбу Низомнинг 16-бандида кўрсатилган йўналишларга мувофиқлиги тўғрисида бош банкнинг хулосаси;

банкнинг ёки унинг филиалининг кредит кўмитаси қарори;

кредитни қоплашнинг тасдиқланган жадвали (ажратилаётган субсидия суммасини ойларга тақсимлаган ҳолда).

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарган тақдирда ажратилаётган субсидиялар суммаси кредит расмийлаштирилган кунда қайд этилган даражада ўзгаришсиз қолади.

22. Тақдим этилган материаллар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан улар тушган кундан бошлаб 10 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Субсидиялар ажратиш учун асослар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан етарли эмас деб эътироф этилган тақдирда рад этишнинг сабаблари изоҳланган ҳолда рад этиш тўғрисида ёзма хабарнома юборилади.

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган фоизли харажатларни қоплашга субсидиялар ажратиш бош банк томонидан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай, бош банкларнинг буюртманомалари асосида, лойиҳалар ташаббускорлари томонидан амалда қопланган кредитнинг фоизли харажатлари суммасидан келиб чиққан ҳолда, субсидияни чегириб амалга оширилади.

Лойиҳа ташаббускори томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган фоизли харажатларни қоплашга ажратиладиган субсидиялар суммаси кечикиб қопланган тақдирда кечикиб тўланган сумма тўлашнинг тасдиқланган жадвалида қайд этилган суммадан ортиқ бўлмаслиги керак.

Фоизли харажатларни ҳисоблашга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган фоизли харажатларни қоплашга субсидиялар ажратишга шартли мисоллар ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган.

24. Банклар танланган лойиҳаларнинг ушбу Низомнинг 16-бандида кўрса-

* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

тилган йўналишларга мувофиқлиги ва ажратиладиган субсидиялар суммаси ҳисоб-китобининг ишончилиги учун жавоб берадилар.

7-боб. Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

25. Жамғарма маблағлари Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот тизимида очиладиган газначилик шахсий рақамидан сарфланади.

26. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган:

объектларни қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлаш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган тендер (танлов) савдолари натижаларини ҳисобга олган ҳолда — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги;

Дастурга киритилган лойиҳалар ташаббускорларига бериладиган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган фоизли харажатларни қоплашга субсидиялар ажратишни ҳисобга олган ҳолда, кредитни қоплашнинг тасдиқланган жадваллари асосида тегишли банклар харажатларининг тегишли сметалари асосида амалга оширилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги объектларни қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлаш, шунингдек субсидиялар ажратиш юзасидан мажбуриятлар бўйича шартномаларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши ҳамда улар бўйича қатъиян харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлар доирасида харажатлар тўловини объектларни қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлашнинг тасдиқланган манзилли рўйхатларига мувофиқ амалга оширади.

28. Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни амалга ошириш доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлаш бўйича харажатларни тўлаш Ғазначиликнинг ҳудудий бошқармалари томонидан тўлов топшириқномалари ҳамда буюртмачиларнинг бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот маълумотлари асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) объектларни қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлашни бажариш;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлашнинг дастлабки икки ой мобайнида прогноз қилинаётган йил учун тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича аниқланган ишлар қийматининг 30 фоизигача миқдорда тенг улушларда аванс тўловларини амалга ошириш;

ҳар ойда, ажратилган авансни мутаносиб тарзда ушлаб қолишни ҳисоб-

га олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 95 фоизигача миқдорида жорий молиялаштириш;

шартномада кўрсатилган кафолат муддати ўтгач — қолган 5 фоизни пудратчига тўлаш;

б) асбоб-ускуналар (шўрсизлантириш қурилмалари ва бошқаларни) сотиб олиш:

шартнома умумий суммасининг 30 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга ошириш;

ажратилган аванс тўловларини ушлаб қолган ҳолда, етказиб беришларнинг амалдаги ҳажмидан келиб чиқиб ҳар ойда жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

29. Жамғарма маблағларини Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларда назарда тутилмаган мақсадлар учун сарфлаш тақиқланади.

30. Жамғарма маблағларининг жорий молия йили яқунлари бўйича қолдиқлари олиб қўйилмайди ва кейинги йилга ўтказилади.

8-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилишини ҳисобга олиш, ҳисобот топшириш ва назорат қилиш

31. Жамғарма маблағларининг тушиши ва сарфланиши бўйича ҳисобга олиш ва ҳисобот тузиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва тегишли банклар ҳар ойда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига объектларни қуриш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, жиҳозлаш ва таъмирлашга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ошадиган фоизли харажатларни Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурларни амалга ошириш доирасидаги субсидиялар тарзида қоплашга ажратилган Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган шакл бўйича тақдим этадилар.

33. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Комиссияга Жамғарманинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастурни бажаришга ажратилган маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботларни тақдим этади.

34. Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

35. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича манзилли дастур доирасида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида, шунингдек уларнинг бирламчи ҳужжат-

208-209-моддалар

— 110 —

13 (773)-сон

ларга (счёт-фактураларга) ҳамда амалда бажарилган ишлар (хизматлар) ҳажмларига мувофиқлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг тақдим этилган ҳисобот маълумотлари асосида Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши мониторингини олиб боради.

36. Жамғарма маблағларидан Оролбўйи минтақасини ривожлантириш бўйича тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ мақсадли фойдаланиш юзасидан жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, Хоразм вилояти ҳокимлигига ва тегишли банкларга юкланади.